

ХОРАЗМ ДОСТОНЛАРИДАГИ МУМТОЗ ЖАНРЛАРДА ҚОФИЯ ТУРЛАРИ

Олимова Гулфиза Мурадуллаевна

Ўзбекистон Миллий университети

2-курс таянч докторанти

Абстракт. Ушбу мақолада “ошиқ” туркум достонлари таркибида келган мумтоз жанрларга оид шеърий намуналарнинг қофияси ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: Қофия, равий, мурдаф қофия, мужаррад қофия, муассас қофия, мутлоқ қофия.

TYPES OF RHYME IN THE CLASSICAL GENRES IN THE EPIC OF KHORAZM

Abstract. This article talks about the rhyming of the classic genres of the epics of the "oshiq" series.

Keywords: rhyme, narrator, murdaf rhyme, abstract rhyme, institutional rhyme, absolute rhyme.

ТИПЫ РИФМЫ В КЛАССИЧЕСКИХ ЖАНРАХ ХОРАЗМСКОГО ЭПОСА

Абстракт. В данной статье говорится о рифмовании классических жанров былин сериала «Ашикнаме».

Ключевые слова: рифма, рассказчик, рифма-мурдаф, абстрактная рифма, институциональная рифма, абсолютная рифма.

Қофия илми мумтоз поэтиканинг бир қисми бўлиб, Анвар Ҳожиаҳмедов ўзининг “Шеър санъатларини биласизми?” рисоласида қофиянинг беш турига изоҳ бериб ўтади²⁵. Хоразм “ошиқ” туркум достонлари таркибида уларнинг тўртта турини учратишимиз мумкин. Айниқса, сўз охиридаги равий ҳисобланган ундош товушдан олдин чўзиқ унлининг келиши билан ҳосил бўладиган мурдаф қофия²⁶ кенг қўлланилган. Фикрларимизни далиллаш мақсадида достонларда келтирилган шеърий асарлардан намуналар келтиришни лозим кўрдик.

Эй Султоним, арзим эшит, жон бирла **ЖОННИНГ** келди,

²⁵ Ҳожиаҳмедов А. Шеър санъатларини биласизми? Тошкент – 2001. 32 б

²⁶ Ўша китоб. 33 б.



Чин Мочин шаҳрина кетган хатарлик **карвонинг** келди.

Боғингга қўнди булбулинг, очилди ҳам ғунча гулинг,
Эгам қайтарди чироғинг, орзуи **армонинг** келди²⁷.

“Ошиқнома”нинг иккинчи китобига киритилган “Ҳурилиқо ва Ҳамро” достонидан келтирилган ушбу ғазалда *жононинг, карвонинг, армонинг, давронинг, султонинг, ўғлонларинг* сўзлари қофиядош бўлиб келган. Қофиядош сўзлар таркибидаги *о* товуши ридф, *н* товуши эса равий вазифасини бажарган холда мурдаф қофияни юзага келтирган.

Мурдаф қофия мухаммаслар таркибида ҳам кенг учрайди.

Худо бизни яратди, ўзга **исён** ичинда,
Ўзим ғурбатда қолдим, юрагим **қон** ичинда,
Жавоб этса кезарман бу **чўлистон** ичинда,
Барча кезар ишратда, ман **ғамистон** ичинда,
Ман ёрни кўрмай ўлсам, балки **армон** ичинда²⁸.

Айни шу достондан келтирилган мухаммас таркиби бандларининг охирги қаторида *ғамистон, зиндон, чўлистон, муғон, армон* сўзлари қофиядош бўлиб, мурдаф қофияни ҳосил қилган.

“Ошиқнома”лар таркибида келган қофия турларидан яна бири мужаррад қофиядир. Мужаррад қофиянинг икки тури мавжуд бўлиб, достонлар таркибида ҳар иккаласи қўлланилган.

Шод бўлмай ушбу оламдин **фано** бўлғон бошим,
Зор йиғлаб дард-у ғам бирла **адо** бўлғон бошим,
Халқ ичинда хор-у зор **бенаво** бўлғон бошим,
Ҳар замон юз минг балоға **мубтало** бўлғон бошим,
Ўлмакимға ҳам кичикликдин **ризо** бўлғон бошим²⁹.

Мужаррад қофиянинг биринчи турида равий чўзиқ унли билан тугалланади. Ушбу мухаммасда бандларнинг охирги қаторида *ризо, карбало, савдо, жудо, фано* сўзлари қофиядош бўлиб, чўзиқ унли билан тугалланганлиги учун мужаррад қофияни ҳосил қилган. Достонларда ушбу қофия ғазал таркибида ҳам мавжуд:

Туз еган жойимга қандоқ иккилик айлай **Худо**,
Бу гуноҳдин ўзинг асра қилма иймондин **жудо**.

²⁷ Ошиқнома. II китоб. “Хурилиқо ва Ҳамро” достони. Урганч – 2006. 101 б.

²⁸ Ўша достон. 106 б.

²⁹ Ошиқнома. I китоб. “Маликаи Дилором” достони. Урганч – 2006. 293 б.



Қўлимда ихтиёрим йўқ, қул эрурман қулинга,
Инсоф бергин ул бекамга сенга қилгум **илтижо**³⁰.

“Юсуф ва Зулайҳо” достонида келтирилган ушбу ғазалда *жудо, илтижо, катхудо, Худо, ризо, жобажо* сўзлари мужаррад қофияни ҳосил қилган.

Мужаррад қофиянинг яна бир тури “Ройи Чин” достонидан келтирилган ғазалда қўлланилган.

Васфини десам анинг ҳур нозанин ўғлондур,
Ҳусн ичра ниҳоятсиз кокили фаранг ўғлондур³¹.

Ушбу ғазалдаги қофияланиш мужаррад қофиянинг иккинчи турига мансуб бўлиб, қофиядош сўзнинг охири исталган бир қисқа унли ва ундошдан ташкил топади. Бу ғазалда *ранг-баранг, ҳаданг, хушшикан* сўзлари қофиядош бўлиб келган ҳамда *нг* ва *н* товушлари равий, уларнинг олдидан қўлланилган *а* қисқа унлиси тавжиҳ бўлиб, мужаррад қофиянинг иккинчи турини ҳосил қилган.

Қофия турларидан яна бири муассас (таъсисли) қофия ҳисобланади. Фақат чўзиқ “о” унлиси билан равий ўртасида бир ундош ва ундан кейин бир унли келадиган қофия муассас қофия дейилади³². “Гул ва Санобар” достонининг учинчи ғазалидан олинган қуйидаги парча муассас қофияга мисол бўлади:

Шукр оллоҳ даргоҳингда мақсадимиз **ҳосил** бўлди,
Биздин кетган давлат қуши қайта бошдин **нозил** бўлди.

Ушбу ғазалнинг қофиядош сўлари *ҳосил, нозил, комил, залил, мойил, зоҳир* – бўлиб, чўзиқ “о” унлиси – таъсис, унлидан кейин келган “с”, “з”, “м”, “ў”, “ҳ” ундошлари – даҳил, равий олдидаги “и” қисқа унли эса – ишбоъ, “л” ва “р” ундоши эса равий ҳисобланади.

Қофия турларидан энг кўп учрайдиганларидан бири мутлоқ қофия бўлиб, дostonлар таркибида унинг баъзи турлари қўлланилган.

Эй санам, мажруҳ дилман **ёрдин** айрилғали,
Булбули ширин сухан **гулзордин** айрилғали,
Ул латофат гулшани **ғамхордин** айрилғали,
Тўтии ширинсухан **гуфтордин** айрилғали,
Дарди дилга зорман бир **ёрдин** айрилғали³³.

³⁰ Ошиқнома. V китоб. “Юсуф ва Зулайҳо” достони. Урганч – 2011. 144 б.

³¹ Ошиқнома. I китоб. “Ройи Чин” достони. Урганч – 2006. 126 б.

³² Ҳожиаҳмедов А. Шеър санъатларини биласизми? Тошкент – 2001. 34 б.

³³ Ошиқнома. II китоб. “Ошиқ Ғариб ва Шохсанам” достони. Урганч – 2006. 68-69 б.





Ушбу мухаммаснинг биринчи бандида келган *ёрдин – гулзордин – ғамхордин – гуфтордин – бир ёрдин* сўзлари ҳамда ҳар бир банднинг охириги қаторида келган *мухтордин – асрордин – дилдордин – навбахордин* сўзлари мутлоқ қофиянинг хуружли мутлоқ қофия турига мансуб. Қофиядош сўзлардаги “р” товуши равий, ундан кейин келган “д” ундоши – васл, қисқа “и” унлиси – нафоз, “н” ундоши – хуруждир. Шу сабабдан бу қофия тури хуружли мутлоқ қофия ҳисобланади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, “ошиқ” туркум достонларидаги мумтоз анъаналар монографик жиҳатдан тадқиқ қилинмаган. Шу сабабдан бу мавзу хусусида кенгроқ илмий изланишлар олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ошиқнома. I китоб. “Маликаи Дилором” достони. Урганч – 2006.
2. Ошиқнома. I китоб. “Ройи Чин” достони. Урганч – 2006.
3. Ошиқнома. II китоб. “Хурлиқо ва Ҳамро” достони. Урганч – 2006.
4. Ошиқнома. II китоб. “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” достони. Урганч – 2006.
5. Ошиқнома. V китоб. “Юсуф ва Зулайҳо” достони. Урганч – 2011.
6. Ҳожиаҳмедов А. Шеър санъатларини биласизми? Тошкент – 2001.

